

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я**

**ИСЛОМ КАРИМОВ
КОНСТИТУЦИЯ
ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ
ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ**

Тошкент 2001

66.3(5У)
К23

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил
4 январдаги Ф-1322 сонли «Ўзбекистон Республикаси
Конституциясини ўрганишни ташкил этиши тузғисида»ги
фармойишини бажариш юзасидан тузилган Комиссия
томонидан маъқулланган.
2001 йил 17 январдаги №3 буйнома*

Тузувчилар:
юридик фанлар докторлари, профессорлар
А. Саидов, У. Таджиханов

Тақризчилар:
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг академиги Ш. З. Уразиев;
юридик фанлар доктори Х. Т. Одилқориев

Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг мустақил мамлакатимиз биринчи Конституциясини тайёрлаш, умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш, қабул қилиш, Асосий Қонунимизнинг хусусиятлари, миллий давлатчиликни қарор топтириш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда истиқлол мафкура-сини яратишдаги ўрни ва аҳамиятига доир фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Олий ўқув юрларининг ўқитувчилари ва талабалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаётган кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

66.3(5У)+67.99(5У)01

© «Академия» ноширлик маркази, 2001.

ПРЕЗИДЕНТ – КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТАШАББУСКОРИ, ЯРАТУВЧИСИ ВА КАФИЛИ

XX асрнинг сўнгги ўн йили ҳуқуқ тарихига жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг конституциявий дунёқарашида, давлат тузумида чуқур сифат ўзгаришлар юз берган давр бўлиб киради. Дунё янги конституциявий даврга қадам кўйди. Бу давр хусусиятларининг биринчисини давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳуқуқий жараёнлар интеграцияси ва ҳамкорлигининг кучайиши, ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконнинг шаклланиши, ягона халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларга ўтилиши ташкил этса, бошқаси социалистик лагерь ва тоталитар тузумларнинг барҳам топиши натижасида жаҳон конституциявий харитасида янги мустақил давлатлар конституцияларининг пайдо бўлишидан иборат. Бу янги шаклланган суверен давлатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини конституциявий қайта қуриш ва ислох қилиш муаммолари соф миллий донрадан чиқиб, ҳақиқатан ҳам умумжаҳон тус олганидан далолат беради.

Биз Ўзбекистон собиқ Иттифок республикалари ичидан биринчилардан бўлиб ҳақиқий сувере-

нитетга эришиш мақсадини эълон қилганлиги, президентлик бошқаруви шаклини жорий этганлиги, давлат рамзлари бўйича комиссия тузганлиги, Мустақиллик тўғрисидаги декларацияни қабул қилганлиги, Конституциявий комиссия тузганлиги ва ўз Конституциясини ишлаб чиққанлиги билан ҳақли равишда фахрланишимиз мумкин.

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши Ўзбекистон олдида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиликларни истиқболларини очиб берди. Мустақилликка эришган ҳар бир давлат ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олишга, янги жамият қуришга, янгиликларни ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий мустақиллиги ва миллий давлатчилигига тинч, парламент йўли билан эришди. Бу ўзбек халқининг кўп асрлик тарихидаги буюк воқеадир.

Республикамиз давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Президенти республикамиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдирини кўп жиҳатдан Конститу-

циямиз қандай бўлишига боғлиқ»¹, – деган эди юртбошимиз.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қондалари, умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлиги акс этган Конституция керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги гоя Республикаимизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик тўғрисидаги декларациясида ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Ҳақиқат Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида Конституциявий комиссия тузди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қондалар амалиётда синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Рес-

¹ Қаримов Н. А. Ўзбекистон: иккинчи истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 124-б.

публикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ушбу қондалар Ислон Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамларди. Конституция лойиҳаси ўзининг қисмлари билан ҳам, бутунлигича ҳам Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчилик ва ислоҳотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди.

Такдир Ислон Каримов зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш каби тарихий вазифани юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этди. Айни пайтда мазкур вазифалар бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам мунтазам равишда ҳал қилиш билан барабар бажарилди.

Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамланиши – оламшумул воқеа, Президент Ислон Каримов бошчилигида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган фаолиятнинг энг катта ғалабаси бўлди. Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган, мантиқий изчил, му-

каммал стратегияси тараққийпарвар ўзгаришлар қилишга қаратилган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги бирча ишлар Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан республикамизнинг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда ақс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга йўналтирилишини таъминлашга ҳаракат қилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Осиё, Европа, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди¹.

Конституциявий комиссиянинг аъзоси академик Ш. З. Ўразаев шундай сўзларни ёзган: Президентимиз шундай ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул

¹ Қаранг: Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. - Т.: Билим, 1992.

қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг гоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, но-зик ҳис этиш истеъдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз кўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатар эди. Президент – ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳам шу тарика ўтарди¹.

Юртбошимиз киритган аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жуда муҳим эди. Улар давлат раҳбари ижодий тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг сиёсий донолигидан, ҳуқук

¹ Қаранг: Уразаев Ш. Э. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. 1992. 26 декабря.

соҳасини чуқур билишидан яққол далолат берарди.

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг илсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилишгунча эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани кўлида қалам билан яна бир бор кўриб чиқди¹.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари етти марта текшириб чиққанларидан кейингина, республикамиз Олий Кенгашнинг сессиясига сўнгги муҳокама учун тақдим этилди.

Конституциявий комиссиянинг қаттиқ туриб ҳимоя қилган нуқтан назари кўн ойишқ изланмишларининг давлат ва сиёсат соҳасида тўпланган тажриба билан тасдиқланган натижаси бўлди. Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини томан голлари ушини 1992 йил ёзида чош этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йўли»

¹ Ушун жойда.

асарнда ифодалаб берилди. У шундай деб ёзган эди: «Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонуни ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинган. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиб мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли дашатни қапдай қилиб қуриш йўларини очиб беради»¹. Ушбу асар республика Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

Буларнинг ҳаммаси юртбошимиз Конституция лойиҳасига ўзининг меҳнати билан қапдай ҳисса қўшганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Айнан унинг ҳаракатлари билан кўнгина моддалар янада сайқал топди, ифодаланган қондалар эса аниқ, равшан ва тушунарли бўлди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишнинг асосан маълумлиги ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилиди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун

¹ Қаримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, интиқод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –85-б.

ничи турух тузилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олдди. У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаолияти, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз қагга ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиштириш ва телекўрсатувларда кўзгил баҳс-мунозаралар бўлиш, кўлииб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилинди.

Лойиҳа эълон қилинган, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сонин 5 миндан ошиб кетди. Конституция лойиҳасини ўтказилган муҳокамани инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта шиканли ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этирилди.

Шундай қилиб, ҳукукий прецедент – иккинчи босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларининг фаолаштириш учун қудратли раббат вазифасининг бажарилди. Бунинг натижасида умумхалқ фикр алмашуви янгила тус олдди. Мазкур акциянинг маъносини шунда эдики,

фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантда Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдilar. Янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичда келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Одамлар Конституциявий комиссия уларнинг овозини эшитганига, таклифларининг тегишли равишда кўриб чиқилиб, шобатта олишганига ишонч ҳосил қилдилар.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-продасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилиши, умумлаштирилди ва халқнинг умумий продаси шаклида ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ислом Каримов сессияда Конституцияни «халқчил қомус» деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтгани ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганини, сайқал топганлигини таъкидлади¹.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгаришлар, қўшимчалар

¹ Ушун жойда. 124-6.

таклиф этилди ва аникликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам бир қатор ўзгартишлар киритдилар.

Давлатимиз раҳбари Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида бўлганлигини инobatга олиб, Ўзбекистоннинг Асосий Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этган барча фуқароларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И. А. Каримовнинг «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома» бўлганлиги, у «халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини» акс эттириши, унинг «халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули...»¹ эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда Президентнинг катта хизматлари ҳақида Н. Мишин шундай ёзади: Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги гояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умум

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 93-б.

эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустақкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди¹.

Мамлакатимиз кўн миллатли аҳолисининг хошиш-иродаси мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида мустақкамлаб кўйилган. Асосий Қонун Ўзбекистон халқининг руҳини, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттирган. Бизнинг Конституциямиз умуминсоний кадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги тарафдоридир. Шунинг учун бизнинг ўз йўлимиз конституцияга асосланади.

Конституцияда кўйидаги мақсадлар кўйилган: ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиёти, очик ташқи сиёсатга асосланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини яратиш. Фақат замондошларимизнинг эмас, балки биздан кейин ўзбек ерида яшайдиган келгуси авлодларнинг ҳам тақдири биз қандай жамият ва давлат қуришимизга боғлиқ.

¹ Мишин Н. Взгляд из Москвы. Ислам Каримов – первый Президент Республики Узбекистан. Штрихи к портрету // Ислам Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. – М.: Палез, 1996. – С. 19–20.

Бизнинг бош мақсадимиз – асоси меҳнатсевар ва фаровон, ахлоқан мустаҳкам ва маданиятли оила бўлган демократия ва ижтимоий адолат жамиятини кадамба-кадам яратишдир.

Ўзбекистонда конституциявий курилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи гоёлар ва қондалар Ўзбекистон тараққиёти ва миллий мафқурасининг тамал тошидир.

«Дарҳақиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таникли мутахассис профессор Л. Левитин, – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуктаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафқуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узок йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли

кўринишдаги «шўрочиликлар» барҳам топтирилган»¹.

Америкалик профессор Дональд С. Карлайлнинг «Ўзбекистон ва Ўрта Осиё: истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун» китобида «Каримов Конституцияси» деб номланган бўлим бор»². Ҳақиқатан ҳам Президент И. А. Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомчиси ва асосий муаллифидир.

Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи бўйича россиялик мутахассис шуни таъкидлайдики, «Ўзбекистоннинг Конституцияси советлардан кейинги давлатлар – собиқ иттифокдош давлатларнинг конституциялари орасида *биринчи* эди (бошқа барча МДХ давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинрок, яъни 1992–1996 йилларда қабул қилинган эди).

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузиллиши билан ажралиб туради.

У 26 бобни ўз ичига олади (МДХ конституциялари ичида энг каттаси)...

¹ Қаранг: Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 89–90-б.

² Уша жойда. 90-б.

...У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир»¹.

1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг «ташриф коғози»га айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти айтганидек, «Хеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустақамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди»².

Ўзбекистоннинг Конституцияси ўз юридик тарихининг кўп асрлик анъаналарини ва жаҳон конституциявий тажрибасининг принципларини ўзида мужассамлаштирган. Агар янги ўзбек Конституциясини жаҳон конституциявий ривож билан алоқада олиб қарасак, шунга айтиш мумкинки, у дунёда ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллиги ичида қабул қилинган янги, «учинчи» авлод конституциялари қаторига киради.

¹ Қарағ: Якушев А.В. Конституционное право зарубежных стран. – М.: ПРИОР, 1999. – С. 310–311.

² Қаримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 107-б.

Конституцияда мустаҳкамланган қоидаларни демократиянинг аниқ «старозиси»да ўлчаб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у – жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири. «Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор»¹. Асосий Қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди².

Адолатли ва инсонпарвар Асосий Қонунни яратиш ва қабул қилиш анча муҳим бўлса-да, лекин бу ҳали Ўзбекистон мустақил конституциявий ривожланишининг биринчи босқичи, қолос. Мамлакатда демократик, конституциявий, ҳуқуқий тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий оғта, уни Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга ҳурматнинг мустаҳкам пойдевори устида мустаҳкамлашга эришишга ёрдамлашиш – мана шулар янгиланаётган Ўзбекистондаги мустақил конституциявий таракқиётнинг таркибий қисмларидир. Айнан Кон-

¹ Ўша жойда. 107-б.

² Қаранг: Проект Конституции Узбекистана глазами французского юриста // Народное слово. 1992. 28 ноябрь.

ституцияга садокат Ватанга ва ўз халқига садокатни келтириб чиқаради.

Президент И. А. Каримов фақат Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаб, Конституциянинг қабул қилиниши вазифасини ҳал қилибгина қолмай, балки Асосий Қонуннинг қафили сифатида майдонга чиқар экан, Конституция нормалари ва қоидаларини ҳаётга татбиқ қилишни ҳам амалга оширди. У «Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормокдамиз – бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз – буюк. Ҳаёт қомусимиз турибди»¹, – дея тўғри таъкидлаган эди.

Конституциямиз 93-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг қафили ҳисобланади. «Конституциянинг қафили» тушунчаси, кўплаб Европа мамлакатлари ва АҚШ конституцияларида қўлланилмаганидек, илгари амалда бўлган совет конституцияларида ҳам ишлатилмаган эди.

Нима учун мамлакатимиз Конституциясида айнан Президент Конституциянинг қафили сифатида белгилаб қўйилган?

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фировон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 87-б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни фақат унинг кафилинигина эмас, балки конституциявий нормаларнинг кафолатланиш даражаси ва шаклларини ҳам белгилаб берди.

Президент Конституциянинг кафили сифатида белгилаб қўйилар экан, Конституция Президентлик институтининг бутун давлат тизимини муҳофаза қилувчи ролини тавсифлайди.

Конституциянинг кафили функцияси Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги алоҳида ўрнини таъкидлайди ва кўп қирралидир. Конституцияни кафолатлар экан, Президент унинг нормаларига барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бевосита тижорат ташкилотлари ва фуқаролар рия қилишларини талаб қилиши мумкин ва шарт.

Президент Конституциянинг кафили сифатида унга рия қилинишининг эталони ҳисобланади ва шу нуқтаи назардан ўзи раҳбарлик қилаётган органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига баҳо беради. У Конституциянинг кафили сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини, унинг мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришларини ва мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш бўйича барча

шароитларни яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўради.

Конституциядан келиб чиққан ҳолда, Ислоҳ Каримов ўзининг фундаментал асарларида Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Конституцияни кафолатлар экан, давлат раҳбари бевосита ҳамда давлат органлари орқали ҳаракат қилади. Конституциянинг кафили сифатида Президент умуман Конституцияни ҳимоя қилиш механизми таъсирининг самарадорлиги учун шахсан жавобгарлик намуналарини кўрсатмоқда. У давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, бутун мамлакат ҳудудида тинчлик, барқарорлик ва қатъий конституциявий тартибни кафолатлаш бўйича ўз мажбуриятини бажарар экан, халқ ишончини муносиб оқламоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мамлакат Конституциясининг ҳақиқий кафили бўлди, унинг нормалари кундалик ҳаётимизда лозим даражада жорий этилишини таъминлай олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши Конституцияни кафолатлаш ва бу мақсад учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган¹. Дарҳақиқат,

¹ Халқ сўзи. 2001. 6 январь.

кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганишга боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш бўйича қуйидаги жуда муҳим вазифаларни қўйди:

биринчидан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курсларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқиш;

иккинчидан, барча таълим турлари учун мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганишга оид дарсликлар ва махсус адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курслари бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш;

тўртинчидан, 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришиш;

бешинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида аҳоли ўртасида Конституциянинг ўрни ва аҳа-

миятини тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича ишларни фаол амалга ошириш;

олтинчидан, матбуот, телевидение, радио ҳамда тасвирий санъат воситалари орқали конституциявий-маърифий тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш.

Конституциянинг устунлиги жамиятдаги ҳуқуқий онг билан ишончли мустаҳкамланади. Бу – муайян вазиятда фойдали ёки фойдали эмаслигидан қатъи назар, Конституциянинг нормаларини тушуниш ва уларга амал қилишдир. Етарлича умумий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган одам Конституция унинг хотиржамлигини ҳимоя қилишини тушунади, у қонун йўл қўйиши мумкин бўлган чегараларни билади.

Умумий ҳуқуқ ва ўзининг шахсий ҳуқуқларини билмайдиган фуқаро бюрократлар олдида ва қундалик ҳаётда юзага келадиган иқтисодий-маиший вазиятларда кўпинча ожиз бўлиб қолади.

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир, шунинг учун Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтиришга жуда катта эътибор бериш лозим.

Ҳатто энг яхши қонун ҳам ўз-ўзича – қонунийликнинг дастлабки шарт-шароити, холос. Конституциянинг нормаларини нима ҳаракатга келтиради? Қонунга итоаткорлик. У, авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам

Конституцияни билишларини назарда тутати. Айна шу туб ахлоқий ва амалий сабаб туфайли И. А. Каримов томонидан ҳамманинг – Президентнинг ҳам, фуқаронинг ҳам қонунга итоаткорлиги таъкидлаб ўтилди¹.

Конституциянинг талабларини бажаришдаги фуқароларнинг онглилиги – бугунги кунда барчамиз интилишимиз зарур бўлган ҳислат. Шу боис ҳам Ўзбекистонда ўз тараққиёти йўлида мисли кўрилмаган маданий, маънавий ўсишга эришиш вазифа қилиб қўйилган. Ана шундагина шахс ўз халқи, жамияти, оиласи олдидаги мажбуриятини англайди ва кўнгилли равишда бажаради.

Давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан тортиб ҳамманинг Конституцияга амал қилиши фуқароларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялайди. Ҳеч нарса оддий одамларга нисбатан адолатсизлик каби қонун ва давлатнинг обрўсини туширмайди, деган эди соҳибқирон Амир Темур.

Шундай қилиб, И. А. Каримовнинг Конституция ҳақидаги фикрлари, таъкидлари ва хулосалари рўй бераётган конституциявий жараёнларни, Ўзбекистон сиёсий-тарихий ривожланишининг тарихий шарт-шароитларини, унинг ҳозирги ҳолатини ва истиқболларини, бой имкониятларини ўр-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 249-б.

ганиш, чуқур таҳлил ва синтез қилиш натижаларига асосланган.

Юртбошимизнинг Конституция ҳақидаги ғоялари конституциявий назария, жаҳон конституциячилиги тажрибаси ва конституциявий нормаларни жорий этиш амалиётининг уйғунлашиб кетганлигини намойён қилади.

Бизнингча, Президентимизнинг Асосий Қонунимиз ҳақидаги фикрларини диққат билан ўқиб чиқиш – мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясининг чуқур мазмун ва ғоялар билан суғорилганлигини яна бир бор эътироф этиб, унинг барча хусусиятлари ва ютуқларини англашга имкон беради. Шуниси равшанки, Президент Ислам Каримов фикрларининг ушбу тўплами Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қондаларини ўрганиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради, конституциявий-ҳуқуқий маърифат ва фуқароларнинг конституциявий-ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилади.

Юридик фанлар докторлари, профессорлар А. Саидов, У. Таджиханов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича комиссия тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича мута-
кассислардан иборат эксперт гуруҳларини
ташкил этишга рухсат берилсин.

2. Комиссия Халқ таълими вазирлиги,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Дав-
лат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши академияси билан бирга-
ликда:

бир ой муддатда таълимнинг барча турла-
рида Конституцияни ўрганиш учун зарур
бўлган дастурлар, курслар, методик кўрсат-
малар ва бошқа дидактик воситаларга қўйи-
ладиган талабларни ишлаб чиқсинлар;

2001 йил 1 апрелга қадар «Ўзбекистон
Республикаси Конституциясини ўрганиш»
махсус ўқув курсларини барча таълим тур-
лари учун ишлаб чиқсинлар ва тасдиқла-
синлар;

барча таълим турлари учун болалар ва
ўқувчиларни, ёш хусусиятларини ҳисобга
олинган ҳолда, ҳуқуқий оғи ва маданиятини
шакллантиришга қаратилган Конституцияни
ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус
ўқувчиликларни 2001 йил 1 августга қадар
ташкил қилинсинлар, чоп этсинлар ва жойларга етқа-
ришни таъминлаш таъминлансинлар.

3. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирлик ва идоралар:

2001 йил 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курслари бўйича мактабгача таълим турдаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрласинлар;

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришсинлар;

курс мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика «Маҳалла» жамғармаси, тегишли жамоат ташкилотлари

Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабон ва бошқа воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсинлар, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгиласинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

5. Ўзтелерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, «Тасвирий ойна» уюшмаси оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий руқнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳамда тасвирий воситалар ташкил этсинлар.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 4 январь

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи – ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди – Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу – халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда республикадаги кўпмиллатли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми бунга қатъий тасдиқлади. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 36-б.

Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фа-

ровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилади.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 49-б.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий қафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб куриш йўлларини очиб беради.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 85-б.

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

...Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугун муҳокама қилинадиган биринчи Конституцияси шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак.

Биз ўз тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олишимиз лозим. Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Биринчи Конституциямиз лойиҳаси ана шундай халқчил қомус бўлишига ишонаман. Сабаби – унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой

мобайнида умумхалк муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.

Унда бу ҳужжатга амал қилиб яшовчи фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топади, деб ишонамиз. Юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва кўшничилиги принциплари ҳам лойиҳада муҳим ўрин тутди.

Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нимадан иборат? Авваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрлик илгари сурдик, ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўргасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва ке-

лажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва, ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Биз сўнгги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатнинг, ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни «давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар». Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки,

шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқук ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шунинг асосидир, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади».

Ниҳоят, Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституциявий суд жорий этилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, бунда халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустаҳкамлаб кўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахл-

сизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари соҳасида Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлар мавжуд. Бу борада лойиҳа Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплал қоидаларини ўзига сингдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсиздир.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Асосий қонун лойиҳасининг «Жамият ва шахс» деб номланган учинчи бўлимида жумҳурият иқтисодиёти мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминла-

ган ҳолда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирларга таяниши, хусусий мулкнинг ҳимоя қилиниши таъкидланади. Мақсад – иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Давлатнинг хўжалик фаолиятига яккаҳокимчилик тарзида аралашувига чек қўйилади, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланади.

Янги ҳужжатда ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар эса ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб беради. Айни вақтда яккаҳокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва

хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим.

Конституция лойиҳасида хурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирни кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Лойиҳада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-

биринчи тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди. Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, суд ҳокимияти идоралари бўлмиш: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг ваколатлари мукамал белгилаб кўйилган.

Асосий қонун лойиҳасида Ўзбекистоннинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида боб бағишланди.

Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Ўзбекистон билан Қорақалпоғистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар икки республика ўртасида тузиладиган шартномалар ва келишувлар асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон қудудида ҳам мажбурийдир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, энги Конституция лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилин-

ди. Шунингдек, ривожланган демократия мамлакатлари ҳисобланмиш Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатлари Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси – зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир. У жаҳон майдонида янги суверен давлат – Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради.

Ҳурматли халқ ноиблари, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилар эканмиз, бир муаммога эътиборларингизни жалб қилмоқчиман.

Баъзи бир кимсалар эски ўйинларига берилиб, орамизга ҳар хил миш-миш, совуқ гапларни, иғволарни тарқатиш ҳаракатида юришибди. Нима эмиш: агар такдим этилган Конституциянинг лойиҳаси қабул қилинса, эртага Олий Кенгаш тарқатиб юбо-

рилар, депутатлар ўз ваколатларидан махрум бўлар эмиш.

Бундай афсона, ифво гапларга нима жавоб қилишимиз мумкин? Авваламбор Конституция лойиҳасини қабул қилиш масаласида Олий Кенгаш қарорининг сизларга тарқатилган лойиҳасида бу саволларга аниқ жавоблар берилган. Ҳамма ноиблар, жумладан, Олий Кенгаш, жойлардаги маҳаллий кенгашлар ноиблари ҳам ўз ваколатларини сақлайдилар, албатта. Олдимизда ҳали анча жиддий ишларимиз бор.

Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш – жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир.

Қабул қилинган Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.

Олдин тасдиқланган барча қонунларимизни ҳам янги Конституция кўзи-назари билан қараб, бошқатдан кўриб чиқишимиз зарур.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 123-128-б.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮҚЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!»

Ҳозирги тарихий тажрибанинг кўрсатишича, яқинда мустақилликка эришган суверен давлатларда воқеалар деярли бир хил андоза билан ривожланиди. Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа республикалардаги конституциявий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган ташкилотларга мувозий тузилмалар ҳам пайдо бўлиб, улар битта мақсад – ҳокимиятни кўлга олиш мақсадини кўзлай бошладилар. Аммо улар... конституциявий, маърифатли усуллар билан эмас, балки кўрқитиш, зўравонлик, кўпурувчилик йўли билан курашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг еттинчи моддасида: давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Конституция ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади, деб ёзиб қўйилган. Мантикийми? Шубҳасиз, мантикий! Зеро, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга зид ҳаракат қилувчи мувозий ташкилотларнинг тўзилиши бошбошдоқликка олиб борган бўлур эди. Барча халқаро ҳу-

қукни муҳофаза қилувчи ташкилотлар бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизни энг халқчил Конституция ва қонунлардан бири деб эътироф қилишди-ку, ахир! Дарвоқе, жаҳон ишбилармонларининг яқинда Давосда ўтказилган йиллик кенгашида Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Президенти Аталли жаноблари буни яна бир қарра тасдиқлади...

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 150–151-б.

БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОФИШМАЙЛИК

Хар қайси жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлди!

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Конституция – барча иқтисодий ислоҳотларнинг ҳам, маънавий ислоҳотларнинг ҳам тамал тоши бўлиб хизмат қилади...

Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш ва уни муҳокама этишда бутун халқимиз иштирок этди. Бу машаққатли ва катта саботни талаб этадиган ишда сизлар, халқ ноибларининг муносиб хизматларингизни яна бир марта таъкидламоқчиман ва халқимиз номидан сизларга миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Бу ҳужжат энг илғор ғояларни ўзида жометганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун жаҳон тан олмоқда. Мана, беш ойдирки, ана шу буюк ҳужжатга таяниб яшамоқдамиз. Унинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қадамда аниқ сезиб турибмиз.

Конституциямизга асосан, Конституциямиз талаблари билан қиёслаб тайёрланган ва мазкур сессиямизда сиз, ҳурматли депутатлар кўриб чиқадиган янги қонун ва қарорлар ҳаётимизда, ўтказаетган ислохотларимизда албатта ўзининг муносиб ўрнини олади, деб ўйлайман.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 213–214-б.

ЎЗБЕКИСТОН – БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

Бозор механизмига мос келадиган ҳуқуқий асосни шакллантириш – бу узоқ давом этадиган, мураккаб ва муттасил такомиллаштириб бориладиган жараёнaddir. Аслида янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқишга тўғри келади. Унинг ўзагини Асосий Қонун – республика Конституцияси ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиб боровчи қонунларнинг етуқлиги ва барқарорлиги, уларни амалга оширишнинг пухта механизми мавжуд бўлиши – бу иқтисодий ислохотлар йўлидан муваффақиятли олға боришнинг зарур шартидир. Қонунчилик фақат бозор муносабатлари қатнашчилари таркибини аниқлабгина қолмай, балки уларни қарорлар қабул қилишга ва натижалар учун белгиланган қоидаларга риоя этилиши учун

жавоб беришга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур этади.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 319-б.

Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. **Қонун олдида ҳамма баробардир.** Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан

бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳур-мағ ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 321–322-б.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йиллари ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан излаш, Ўзбекистонни эркин, қудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантириш йўлидаги интилиш даври бўлди. Бу даврда биз ўзимизни англаш йўлида улкан қадам қўйдик, ўзимизнинг тарихий йўлимизни танлаб олдик.

Ҳаётимизни, жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий, иқтисодий тузилмаларини ҳал қилувчи, умуминсоний кадриятларга асосланган, эркин демократик келажакимизни аниқ белгилаб берган Асосий Қонун – Конституциямизни қабул қилдик.

Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 3-б.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗА

...Ўзбекистон Республикасининг тамоман янги Асосий Қонуни қабул қилинди. Халқаро ҳолис экспертлар унга юқори баҳо беришди. Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди.

Каримов И. А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 48–49-б.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Бугун днёримизда мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаётидаги улуг сана нишонланяпти. Бу – янги туғилган давлатимизнинг, ҳаққиқий мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган ҳур Ўзбекистонимиз биринчи Конституциясининг бир йиллигидир!

Бир йил муқаддам халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси мамлакатимизнинг Асосий қонуни – янги Конституцияни қабул қилди ва 8 декабрь кунини умумхалқ байрами деб белгилади.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва халқимиз тарихида абадий қоладиган, келажак авлодлар фахр билан эслаб юрадиган Ўзбекистон Конституцияси кунини – қутлуғ айём билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этишга руҳсат бергайсиз...

Сир эмас, ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қиладди. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ –

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, рудиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Асосий қонунимизни баҳолашда АКШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.

Табиий бир савол туғилади: хўш, бунинг сабаби нима?

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Та-

рихда синалган умуминсоний, умумбашарий кадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараккий тошган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Шу билан бирга бу Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий кадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, у Ўзбекистонимизда – шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёкарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу

фазилатларни ўзига асос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-муштабидлик тузумидан, ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Ишончим комилки, буни барча халқимиз теран англайди ва бунга ишонади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кечаги замонларда ҳам кўп Конституциялар бўларди. Ҳар бир даврга, ҳатто айрим шахсларга ҳам мослаштириб чиқарилган Асосий Қонунларни биламиз. Аммо ўша Конституциялар, улар кимнинг номи билан аталганидан қатъи назар, бир мақсадга – қотиб қолган мафкурага асосланган тузумни ҳимоя этишга ва унинг ҳукмронлигини ўтказишга хизмат қилар эди.

Ҳаммамизга маълумки, биз сўнги 70 йил мобайнида давлатга қарамлик ва сифиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски Конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кўзга ташланар эди.

Янги Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдидан масъулдирлар» дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қасдатланган. Собик тоталитар тузум шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Бугун эса инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир...

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир шахс фуқаролик

ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Чунончи, шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Умум эътироф этган қолидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи бир давлатларнинг айрим сиёсий раҳбарлари муайян миллат вакилларига икки фуқаролик ҳуқуқини бериш масаласини олға сурмоқдалар. Бундан

айрим миллатга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини тўлароқ ҳимоя этишни кўзда тутмоқдалар. Аслида уларнинг мақсади бошқа – бизнинг ички ишларимизга аралашиб, бизнинг мустақиллигимизни чеклаш, бизга шу йўл билан яна тазйиқ ўтказишга уришидир.

Биз бундай ёндашувни рад этамиз, албатта. Бунга ягона Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатлар рози бўлмайдилар. Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик фақат биргина миллий тамойил асосида белгиланса, инсонга миллатига қараб турли хил ҳуқуқий мақом берилса, бу охир-оқибатда жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади.

Икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир.

Мамлакатимизда муайян кишилар ёки айрим миллат ёхуд этник гуруҳларнинг икки давлат фуқароси бўлиши учун на сиёсий, на ҳуқуқий асос бор. Шунинг учун ҳам, «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг биров бир чет давлат

фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Бу қонда 1930 йилги Гаага конвенциясида мустақамланган икки фуқароликни тан олмаслик халқаро тамойилига ҳам тўла мос келади.

Бу – бизнинг фуқаромиз республика ва унинг идоралари билан муносабатда ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигини рўқач қила олмайди деганидир. Бундан ташқари, ҳеч ким ўзини Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари мавқеидан фарқ қилувчи ўринга ҳам қўя олмайди.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадир. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди...

Республикамызда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини иқтисодиётни бошқаришнинг буйруқбозлик, режага қарам бўлиш услубларидан мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига, тадбиркорликка, эркин

меҳнат қилиш ҳуқуқига асосланган бозор муносабатларига ўтказиш ташкил этади.

Конституцияда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Мақсад – иқтисодийни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳоқимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорликнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат. Унда хўжалик фаолиятига давлатнинг яккаҳоқимчилик тарзида аралашувиغا чек қўйилган, иқтисодий фаолият эркинлиги таъминланган, ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очилган. Хуллас, ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади.

Конституцияда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Бу эса республикамизда шаклланган урф-одатларга, халқимизнинг теран маънавий анъаналарига батамом мос келади. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Инсоннинг покланишида, жамиятни руҳий-ахлоқий жиҳатдан

соғломлаштириш борасида ислом динининг ижобий таъсири каттадир. Буни ҳаммамиз яхши тушунишимиз лозим. Ҳайлайманки, диннинг тарбиявий аҳамияти янада кучайиши керак. Дин ва диний ташкилотларга нисбатан янада мулоҳазали сиёсат юритилиши даркор.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар, давлатдан ажратилган ҳолда, қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва хоҳлаган динига амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Янги Конституциямизнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш тамойили асосида амалга оширилади.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган сўзларни тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган эди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, Суд ҳокимияти идоралари бўлмиш – Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб кўйилган.

Конун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда республиканинг ягона суд тизимини ташкил этади. Конституцияда жойлардаги давлат ҳокимияти органларига алоҳида эътибор берилган. Ўз-ўзини бошқариш тамойилларини мустақамлаш билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи – ҳоким лавозими жорий этилади.

Муайян ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий вакиллик ҳокимияти – халқ депутатлари кенгашларига, шунингдек, ижроия ҳокимия-

тига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қиладилар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш органлари шаклида амалга оширилади. Фуқароларнинг бундай йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Асосий қонунимиз Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади. Қардош Қорақалпоғистон ҳам ўзининг асосий қонунини қабул қилди. Ўзбеклар билан қорақалпоқларнинг абадий бирлиги ва қон-қардошлигини тасдиқлади.

Конституциямизда коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийлик иллатларидан асар ҳам йўқ.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади. Бундан ташқари, давлатга жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда ишти-

рок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам топширилган.

Конституцияда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Олий Мажлисга сайлов Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтади. Шунинг учун ҳам бугун сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда.

Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини кўяди.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабртоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмайлик. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг

ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши керак.

Биз эркин демократик жамият қурмоқчимиз. Биз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан оламиз ва ҳурмат қиламиз. Биз мамлакатларнинг ҳудудий яхлитлигини ва суверенлигини ҳурмат қиламиз. Биз барча можароларни музокаралар, сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз. Биз тараққиёт фақатгина иқтисод, маданият, савдо-сотиқ ва маърифат соҳаларидаги алоқалар воситасида амалга оширилишини истаймиз.

Бу тамойиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг негизини ташкил этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан халқимизнинг ана шу умумбашарий қадриятларга содиқ эканини изҳор этиш шарафи менга насиб этганидан беҳад бахтиёрман!

Конституциямизнинг муҳим бир банди Аллоҳ таоло ато этган энг улуғ неъмат — инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳақида. Афсуски, собиқ советлар империяси парчаланиб кет-

анидан кейин рўй берган ижтимоий порт-
лашлар, турли келишмовчиликлар Марказий
Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтмади. Гап
Тожикистонда, тожик-афғон чегарасида бў-
лаётган хунрезлик хусусида боряпти. Неча
юрлардан бери ёнма-ён яшаётган Марказий
Осиё халқларининг келажак тақдирини ай-
ри-айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз
Тожикистоннинг ички ишларига аралаш-
моқчи эмасмиз, лекин «Қўшнинг тинч, сен
тинч» деган кўҳна шарқ мақолини унутмас-
лик керак. Барчапгизга маълум, Ўзбекистон
Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик
ва ҳамкорлик масалалари бўйича Бирлаш-
ган Миллатлар Ташкилотининг доимий иш
юритувчи семинарини ташкил этишни так-
лиф қилди. Агар шу ниятимиз амалга ошса,
манфаатдор мамлакатлар минтақавий хав-
фсизликнинг ишончли тизимини вужудга
келтирган бўлур эди.

Азиз ватандошлар!

Бугун Конституциямизнинг бир йиллиги-
ни нишонлар эканмиз, қилинган ишларга
баҳо беришимиз лозим. Ўйлаб кўрсак, бир
йил дегани абадият олдида жудаям қисқа
фуркатдир. Лекин, сарҳисоб этадиган бўл-

сак, шу бир йил мобайнида республикамизда қанчадан-қанча воқеалар юз берди.

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, ўзининг маънавий кадриятларини ва ақлий салоҳиятини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояни кўзда тутган ҳуқуқий демократик давлат пойдеворини қуриш даврига қадам қўйди.

Бир йилда 40 та янги қонун қабул қилинди. Ўзгариб бораётган шарт-шароитларни эътиборга олиб, ялғари қабул қилинган қонун ҳужжатларига тузатишлар киритилди. Қабул қилинган бу муҳим қонунлар миллий давлатчиликни барпо этишга, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилишга қаратилгандир.

Республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида демократик ислохотлар амалга ошириляпти. Бу ислохотлар барча ҳокимият тармоқларининг ваколатларини аниқ белгилаш ва улар ўртасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни кўзда тутди.

Конституцияда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани таъкидланган. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон халқаро ташкилотларнинг фаол аъзосига айланишти, жаҳон хўжалиги уйғун ҳолда ривожланишти ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистонни дунёдаги деярли барча нуфузли, катта давлатлар тан олди. 70 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ҳозирги вақтда Тошкентда салкам 40 давлат ўз элчихона ва ваколатхонасига эга. Республикаимизнинг асрлар мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қолганига барҳам берилмоқда.

Биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч-қудратимизга, маънавиятимизга, кўп авлодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянганмиз. Бу – ташқи муносабатларда очик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига риоя этиш демакдир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк даврида кўпгина обрўли халқаро иқтисодий, молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жаҳондаги энг катта мамлакатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини ўрнатди. Республиканинг ишончли, истикболли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори анча мустаҳкамланди.

Туркия, Германия Федератив Республикаси, Франция, Буюк Британия, Голландия, Австрия, Корея Республикаси, Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида икки томонлама битимлар тузилгани халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ташқи савдо муомалаларимиз кенгайди. Ҳозир у салкам 1,3 миллиард долларни ташкил этмоқда. Дунёдаги 50 дан кўпроқ мамлакатнинг фирма ва ширкатлари билан иқтисодий алоқа ўрнатилди. Ҳозир экспорт маҳсулотларининг 80 фоизга яқини Россия, Украина, Беларусь каби Ҳамдўстлик давлатларидан ташқари Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Индонезия, Корея Республикаси, Америка Қўшма Штатлари,

Финляндия, Швейцария каби мамлакатларга юборилган.

Халқимизнинг олий манфаатларини инобатга олган ҳолда, давлатимизнинг иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши мумкинлиги Асосий қонунда белгилаб кўйилган. Ўзбекистон ана шу ҳуқуққа амал қилиб, Марказий Осиё давлатлари – Туркия, Эрон, Покистон билан биргаликда ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди. Бу ташкилот доирасида давлатлараро транспорт йўлларини биргаликда қуришга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фаол кўшилди.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 92–101-б.

Конституция ва мавжуд анъаналаримизга мувофиқ, қишлоқда ердан фойдаланишнинг энг самарали шакллари қайтадан тикланяпти. Бундай шакллар ижара муносабатларига ва уюшган меҳнатга асослангандир...

Конституцияга мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир...

Конституциявий қоидаларга мувофиқ, республикада замонавий солиқ ва кредит-банк тизими шаклланишти, молия-бюджет сиёсатини амалга ошириш механизми такомиллаштирилишти, ўз пул тизимимизни барқарор қилиш, миллий валютага ўтиш йўлида биринчи қадам қўйилди...

Конституцияда белгилаб қўйилганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга ошириши шарт. Республиканинг Асосий қонунида фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш ҳуқуқлари белгиланган. Шунингдек, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳуқуқларини ижтимоий жиҳатдан пухта қаролатлаш қайд этилган ва бу ҳуқуқлар оғишмай турмушга жорий этиляпти.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 103–105-б.

Ватанни севмоқ – иймондандур! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ана шу мухтасар каломларида инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг фазилатлари, яшаш тарзи ва мақсади ифода этилган.

Агар шу улуғ фазилат барчамизнинг онгимиздан, қалбимиздан жой топса, муқаддас ҳақидага айланса, ана шундагина олдимизда турган буюк мақсадларга эришмоғимиз мумкин.

Миллий мафкура ҳақида кўп гапирянимиз. Фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартираётган бу муҳим масалада тезроқ сўздан амалий ишга ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Миллий мафкурани онгимизга синдирувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ керак.

Нега шундай деярман? Бунинг сабаби шуки, мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда татбиқ қилмасдан туриб Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади.

Янги мафкуранинг асл мазмуни – янгича, ёркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсиз-

лик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир.

Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини ҳис этадиган шахс бўлиши даркор.

Тан олишимиз керакки, турли иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ечиш билан овора бўлиб, биз мафкура масаласига етарли эътибор беролмадик.

Агар сезган бўлсангиз, бизлар кўпроқ талаб қиламиз. Ҳуқуқ, эркинлик ҳақида кўпроқ гапирамиз. Бу ҳам аслида тўғри ва жуда адолатли. Чунки, инсон ҳуқуқини қолунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият демократик жамият эмас.

Аmmo бу ишнинг иккинчи, бизлар кўпинча унутиб қўядиган жиҳати ҳам бор. Демократик жамият куриш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак. Бу гап менга ҳам, сизга ҳам – барчамизга бирдай тегишлидир!

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: « Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак.

Модомики шундай экан, мафкура сиёсатининг тарғиботчилари, яъни тарбиячилар, муаллимлар ва устозлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Агар эсласангиз, азиз биродарлар, қадим замонлардан бери бизнинг табаррук заминимизда тарбиячилар билан табиблар энг мўътабар инсон саналган. Шундай экан, бугунги сиёсатимизда боболаримизнинг ана шу олийжаноб анъаналарига содиқ қолиб, ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга даҳлдор инсонларга биринчи навбатда, қўлдан

келганча эътибор кўрсатиб, уларга эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш – давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Бу келажакки буюк давлатнинг, эркин ва фаровон яшашга интилаётган жамиятнинг пойдеворига тамал тоши қўйиш билан баробардир. Юртимизга мард ва фидойи фарзандлар керак, азиз ватандошлар!

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, уларнинг аҳамияти вақт ўтган сари ортиб бораверади. Конституциямизнинг қабул қилиниши, унинг байрами кун ҳам ана шундай воқеалар сирасига киради ва бу мўътабар Қомус – Асосий Қонун қабул қилинган кун мустақил Ўзбекистон тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, бутун бир тарихий даврнинг гултожи бўлиб қолажак!

Мазкур Конституциямизнинг пайдо бўлишига, қабул қилинишига катта ҳисса қўшган фаолларимизга, шу залда ўтирган ноибларимизга миннатдорлигимни билдириб, Асосий Қонунимизни ҳаётга татбиқ этишда омад тилашга руҳсат бергайсиз!

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 109–111-б.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бозор муносабатларига кенг йўл очиб беради, эркин ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди. Давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашинишга, монополия ҳукуқи олдига ғов солади. Асосий Қонунимизда хусусий мулк давлат муҳофазасида экани таъкидланган.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 148-б.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ

Хусусий мулкнинг ўз ўрни ва давлат тарафидан ҳимоя этилиши – Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Конституцияси саҳифаларида зикр этилган.

Биз хусусий мулкнинг ҳуқуқий асосларини пухта яратдик. Навбатдаги вазифа – хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг

механизмларини ишлаб чиқишдан иборат эди.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 177-б.

Маълумки, дин ва дин аҳли ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Бизнинг бу хусудаги сиёсатимиз аниқ. Ислом дини – ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган.

Дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган. Одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган.

Хўш, бугунги кунда, биз барпо этаётган жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қурилиши лозим?

Бу масала Конституциямизда очиқ-ойдин ифода этилган. Яъни, республикамизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ, биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштириш тақозо этилади. Назарим-

да, улуғ аждодимиз, Бухорои шарифнинг буюк фарзанди Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг «Оллоҳ дилингда, кўлинг ишда бўлсин» деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак, янглишмаган бўламиз деб ўйлайман.

Давлатнинг иши – давлатники, диннинг иши – динники бўлиши лозим. Бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона макбул йўлдир.

Давлат диндор фуқароларининг диний-этикод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 197–198-б.

ИШМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Энг аввало, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимизни шакллантирдик. Мус-

тақил, озод суверен давлатнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакат Конституцияси, давлат ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва йўлга солиб турувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 251-б.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ

Бугун мустақил диёримиз тарихидаги энг улуг саналардан бири – Асосий қонунимиз қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонлаяпмиз... Зеро, Конституция жамият ҳаётининг пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг асосидир. Ишонманки, унинг кечаётган кунимизга таъсирини, озодлигимиз, эркинлигимизнинг ҳуқуқий кафолати эканини шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро сезиб, ҳис этиб турибди...

Мен Ўзбекистонни 23 миллионли улкан оила деб тасаввур этаман... Биз ҳамжихат бўлсак, ўз кучимизга, табиий ва илмий салоҳиятимизга таяниб иш кўрсак, ёруғ кун-

ларга албатта етамиз, авлюдларга орзу этганимиз – озод ва обод ватан қолдирамиз! Бунга Конституциямиз халқимизнинг хохиш-иродаси сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 332–334-б.

ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ

Энг муҳими, давлат, жамият ҳаётининг асосий қонуни – янги Конституциямиз қабул қилинди, мазкур жараённинг ҳуқуқий асослари яратилиб, тегишли қонун ва фармонлар чиқарилди ва ҳаётга татбиқ этила бошлади. Давлат бошқаруви, вазирликлар, ташкилот ва қорхоналар тизими ўзгартирилиб, улар янги тартиб – ҳаёт талаблари асо-
ида ишламоқда.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 335-б.

ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВР РУҲИГА МОС БЎЛСИН

Ҳуқуқий-демократик давлат куришда, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтишида, янги жамият барпо этишда биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлаб, ўтган давр мобайнида бу йўлда улкан қадамлар кўйдик.

Шу вақт мобайнида биз мустақил давлатимизга мустаҳкам пойдевор яратдик, деб бугун тўла ишонч билан айта оламиз.

Буни давлатимизнинг Асосий Қонуни ҳисобланган янги Конституциямизни қабул қилганимизда, яратилган ҳуқуқий асос негизида қонунлар, тегишли Фармонларни ва низомларни ҳаётимизга қатъият билан татбиқ этишга киришганимизда яққол кўриш мумкин. Ўтган йил 25 декабрь куни республика Олий Мажлисига, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига биринчи бор кўп партиявийлик асосида ўтказилган сайлов мустақил давлатимизнинг халқаро обрўсига обрў кўшди.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 340-б.

ХАЛҚ ИШОНЧИ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

...Ўзбекистон ҳаётида, жамиятимиз тарихида илк бор эркин, кўп партиявийлик асосида сайловлар ўтказилиши улкан тарихий воқеа десак, асло муболаға бўлмайди.

Чунки биринчи марта ҳам Ўзбекистон парламентига – Олий Мажлисга, ҳам маҳаллий туман, шаҳар, вилоят кенгашларига номзодлар кўрсатишда, улар орасидан ҳақиқатда энг муносиб шахсни сайлаб, танлаб, ажратиб олишга имконият туғдирилди.

Биринчи бор сайловчи инсон учун Конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг хоҳиш-иродасини тўла намоён қилишга замин яратилди.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 348-б.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мустақилликка эришган кунимиздан буён ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида улкан ва жиддий ўзгаришлар юз берди.

Авваламбор, давлатимизнинг ҳукукий пойдевори яратилди. Энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис илк марта кўшартиявийлик асосида сайланди.

Ҳокимият бўлинишининг конституцион тамойиллари асосида қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Ижро ва суд ҳокимияти тармоқлари шаклланди.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 5–6-б.

Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бери-

ши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бу тамойиллар деярли барча ривожланган мамлакатларнинг конституцияларида ўз ифодасини топган. Улар айти шу жиҳатлари билан ўзларини демократик мамлакат деб баҳолашади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий демократик жамият қура олганми-йўқми? Ана шу давлатларда ҳамма вақт ҳам инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти баҳамжиҳат ва аҳил яшамокдами?

Шу ўринда биз учун муҳим бир савол туғилади. Хўш, бу тамойиллар бизнинг заминимизда қандай амал қилиши керак? Хукукий давлат, чин маънодаги эркин фуқаролар жамияти қуришимиз учун шуларнинг ўзигина кифоями?

Демократик жараёнлар ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади.

Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Бунинг асло назардан

қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада ишқибобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиаги натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди.

Албатта, ислохотлар – янгича тафаккур, янгича изланишлар меваси. Бироқ ҳар қандай ислохот ҳам аввало инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибаларига ва янги жамиятнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим.

Тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, улардан янги ўзгаришларга мос ҳолда оқилона фойдаланиш ислохотларнинг изчил ва собитқадамлик билан амалга ошишига ҳамда жамият барқарорлигига хизмат қилади.

Жамиятни демократиялаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-

бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалқаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Инсоният босиб ўтган тараққиёт йўли яна шундан далолат берадики, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз аклий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.

Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга татбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоялаш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи даркор...

Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва

оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги замида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устушлик касб этиши даркор.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 8–10-б.

Бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинган. Бугунги қийин ва зиддиятли бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб тур-

ган бир вазиятда, бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб, сарсон-саргардон кишилар кўпайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат – яшаш ҳуқуқи ва осойишта ҳаёт кечирish ҳуқуқи тўла таъмин этилган.

Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ғояси Олий Мажлис фаолиятида доимий ўрин эгаллаши керак. Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъи назар ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу тамойилларга оғишмай риоя этган ҳолдагина биз чин маънодаги ҳуқуқий, адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз. ...Конституцион суд ўз фаолиятида ана шу тамойилга амал қилиши керак. Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва табиийки, давлат аппарати ҳам шу қоидага бўйсунishi тақозо этилади.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш иши-

га сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт.

Хусусан, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор!

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 17-19-б.

Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У

– қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани – турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 22-б.

...Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, хур, кўп-миллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда. Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат

қилаётганликлари бизни мамнун этади...

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 41-б.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мутақкамлаш, унинг ҳудудида барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон хўжалиги тизимида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб жойни эгаллашига эришиш – давримизнинг асосий вазифасидир.

Миллий хавфсизлигимизнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосини белгиловчи қонунларни яратиш го-яг долзарб аҳамиятга эга.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қатор қонунлар ҳамда мудофаа муаммоларига бағишланган бошқа меъёрий ҳужжатларда бу масаланинг негизлари мавжуд.

Бироқ миллий хавфсизликни таъминлаш бир ёқадан бош чиқариб комплекс ёндашувни тақозо этади. Миллий хавфсизлик масаласида ягона давлат сиёсати бўлмоғи, барча сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларнинг

ўзаро уйғун ва мукаммал тизими бўлимоғи шарт.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 41–43-б.

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ – ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР

Энг аввало, Референдум ўтказиш ташаббуси халқ томонидан сайланган ва ўз қарорида Конституцияга асосланган парламентдан чиқди. Шу сабабли, мазкур тадбирнинг қонунийлиги заррача ҳам шубҳа туғдирмайди.

Ўз миллий давлатчилигини кураётган, ҳокимиятнинг сифат жиҳатидан янги сиёсий тузилмаларни барпо этаётган Ўзбекистон учун Президент билан парламент ваколатлари муддатидаги номуносибликни бартараф этиш, ижроия ҳокимияти, қонун чиқарувчи ҳокимият ва бутун халқ ҳаракатлари бирлигини таъминлаш гоёя муҳимдир. Ўтказилган Референдумнинг моҳиятига айтиш мумкин, шу жиҳатдан қарамоқ керак.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 68–69-б.

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди? Референдумнинг яқун-натижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу яқунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?

...Референдум ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тadbир бўлиб, умумдавиат аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тармоқларининг, керак бўлса, бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турлаб тар-

моқларининг фаолияти шаклланаётган масъулиятли бир пайтда уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида иншо-адоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш – буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 74–75-б.

ИСЛОҲОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик. У ҳозир бозор мақсадларига жавоб беради. Машҳур маъмурий тизим қонунларига мос бўлган тузилмани тугатдик...

Собиқ ССРС республикалари бўлган кўпгина давлатларда Конституция доимий равишда ўзгариб туриши, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги зиддият тугамаётгани, бошқарув тизими йўлга қўйилмагани хаби ҳолларни кузатамиз. Буларнинг барчаси жамиятда барқарорликни таъминлаши, иқтисодиётнинг табиий ривожланиши учун шартшароит яратилиши ва ўз фуқароларини ҳимоя қилиши лозим бўлган давлатнинг ўзи беқарор вазият манбаига айланиб қолишига олиб келади. Мисолларни узоқдан кидириб юриш шарт эмас. Уларни ўзингиз кўриб турибсиз.

Бизда бунга ўхшаш нарсалар йўқ. Демак, биз анчагина мустаҳкам пойдевор қўйганмиз, дейишга ҳаққим бор. Шунинг ҳам айтиш ортиқчалик қилмайдики, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг энг яхши мутахассислари Конституциямиз, ҳуқуқий меъёрларимиз, бошқарув тузилмасини жуда чуқур ва синчковлик билан ўрганиб, улар давр талабига мос эканини эътироф этишди.

Қошиқов И. А. Ватан саждагоҳ хаби муқаддасдир. Т. 3. ~ Т.: Ўзбекистон, 1996. - 135-б.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Қонун ижтимоий ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолиши керак...

Давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 195-б.

Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси – давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни қабул қилинганлиги биринчи босқичдаги қонун чиқариш фаолиятининг гулгожиси бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда...

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий оғини, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бо-раётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бу-дан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркин-ликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажариш-ни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одам-ларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ман-фаатларига ҳурмат билан муносабатда бўли-шни ўрганиб олиш лозим. Қонун устуворли-ги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак...

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –201–202-б.

Ўзбекистонда ислоҳ қилишнинг бирин-чи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакл-

лари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Бу шакллар қарор топиши учун тенг ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди. Бушан ташқари, янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилаётган, хусусий мулкчиликка ёки чет эл капиталининг иштирок этишига асосланган корхоналар учун солиқ соҳасида уларнинг фаол ривожланишини рағбатлантирадиган имтиёзлар ва преференцияларнинг бутун бошли тизими мавжуд. Шундай қилиб, илгари давлатга қарашли бўлмаган, хусусий секторни, тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб келган юридик ва ташкилий тўсиқларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда амалда олиб ташланди.

Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 203-б.

ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

...Жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини белгилаб берувчи мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди. Янги парламент – Олий Мажлисга сайлов ўтқа-

зилди. Ҳақиқий кўп партиялилик пайдо бўлмокда. Бугунги кунда республикада тўртта сиёсий партия ва бир қанча жамоатчилик ҳаракатлари фаолият кўрсатмокда.

Ҳуқуқий ислоҳот ҳам ўтказилди. Қабул қилинган қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, жамиятни демократиялашни чуқурлаштиришга, бозор ислоҳотларини сакрашлар ва фалаж қилувчи ҳолатларсиз тезлаштиришга қаратилган.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 26-б.

АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ ТАНТАНАСИ

Асосий қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган уч йил шуни кўрсатмокдаки, Конституциямизда ёзилган қонун-қоидалар фуқароларимиз ҳаётида ўз ақсини топмокда... Шу қисқа вақтнинг ўзи ҳам Конституциямизнинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тасдиқлади. Конституциямиз юксак савияда, демократия ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганини нафақат республикамиз фуқаролари, балки хорижий мамлакатларнинг дав-

лат раҳбарларидан тортиб сиёсатчилару оддий фуқароларигача, шунингдек, халқаро ташкилотлар мутахассислари тан олди. Ана шу фактнинг ўзиёқ Конституциямизни юксак баҳолаш учун асос бўла олади.

Конституция – нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиҳати, ҳолос... Масаланинг бошқа бир муҳим томони шундаки, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётга татбиқ этга билмоқ, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, республикамызда яшаётган ҳар бир фуқаро мансаби, касби, миллатидан қатъи назар, Асосий қомусимизга беникусол амал қилиши лозим. Бу биз шу кунгача эришган ва келгусида албатта эришишимиз мумкин бўлган ютуқларнинг энг муҳим шартидир.

Республика Конституциясининг уч йиллик тўйини нишонлаш кунинда фахр билан айтмоқчиманки, биз сўнгги йилларда қандай қатта муваффақиятларга эришган бўлсак,

бунинг барчаси, аввало, ана шу бош қомус-
симиз ва бошқа муҳим ҳужжатларга тўқис
амал қилаётганлигимиз туфайлидир... Энг
оғир кунлар ортда қолмоқда. Аҳолини иж-
тимоий муҳофаза қилиш, кишиларимиз мод-
дий аҳволини яхшилаш борасида зарур чо-
ра-тадбирлар қўллашни тағин ҳам изчил да-
вом эттираверамиз. Бунинг учун бизда барча
имкониятлар мавжуд. Бугун биз билан залда
Ўзбекистоннинг биринчи қаҳрамонлари, Ва-
танзимизнинг олий мукофотларига сазовор
бўлган заҳматқаш инсонлар ўтирибди. Бун-
дай фидойи кишиларимизнинг сафи ҳам
келгусида янада кенгаяверади.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан.
Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 154–
155-б.

БУНЁДКОРЛИК – ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

Давлат ҳокимиятининг олий органлари
тизимининг Ўзбекистон Республикаси Кон-
ституциясига мувофиқ шаклланиши, сайлов
тизимининг янгиланиши, Олий Мажлисга
ўтказилган сайловлар 1995 йилда сиёсий
ислоҳотларни бевосита амалга оширишга
имкон яратди. Олий ҳокимият органларига

сайловлар жамият онгида туб бурилиш ясаб, мамлакат аҳолиси ислохотларни фаол қўллаб-қувватламокда.

Қисқа муддатларда давлат, хўжалик, маъмурий, жинойӣ, фуқаролик, меҳнат қонунчилигининг асослари, шунингдек, кўп укладли иктисодиёт манфаатларини, асосий демократик принциплар, инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолати бўлиб турибди. Кўп йиллик фаолиятимизнинг йўриқномаси бўлган Конституциямизда бугунги реал воқелигимиз ҳам, эртанги кунимиз ҳам ўз ифодасини топган.

Сиёсий тафаккурда, жамоат ва давлат ҳодимлари фаолиятида янгича ижтимоий интилишлар, шакл ва андозалар пайдо бўлаётгани демократиянинг турмушимиздан тобора мустаҳкамроқ ўрин олаётганидан далолатдир.

Қаримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 158-159-б.

нунлар ижросини таъминлашга сафарбар этилган бошқа тузилмалари фаолияти устидан самарали назоратини ўрнатиши керак.

Суд ва суд хизматчилари обрўсини кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Суд – ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонуни меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.

Демократик давлат нормалари ва мавжуд амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ўтган даврда малакагимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса кишиларнинг оғини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим.

Бугун оддий фуқарони на ўз ҳуқуқларини, на қонуларини ва на суд жараёни тартибларини етарли даражада билмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Очик тан олиш керак, суд органлари ва суднинг ўзи оддий фуқаро кўз ўнгида жазолувчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гавдаланади. Эҳтимол, бу кўпол туюлиши мумкин, лекин бор гап шу.

Судга бундай муносабат илдишлари тоталитар тизим ўз сиёсатини суд қарорлари орқали юритган, ягона мафкура ҳукмронлигини ўрнатган замонларга бориб тақалади.

Булар барчаси одамлар онгига чуқур ўрнашиб қолган. Бизнинг вазифамиз ушбу кўникмаларни, психологияни синдириш, одамларнинг судга муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат. Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак.

Бу – ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак.

Бизнинг олий қонун чиқарувчи органи-миз – Олий Мажлис ушбу масала билан ҳам шуғулланиши, суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини қадам-бақадам такомиллаштириб бориши зарур. Бу ҳуқуқий асос

суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунганини таъминлаши лозим. Бу ҳуқуқий асос демократизмни, ҳолисликни, суднинг ҳаммабон бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайтишини таъминлаши лозим. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига попок, порахўр ва тасодифий қимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 184-186-б.

ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Биз учун Конституциянинг қабул қилингани ҳам, Асосий Қонуннинг мазмуни демократик ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос деб баҳолангани ва эътироф этилгани ҳам ғоят муҳимдир. Ўзбекистон Конституцияси жамиятда демократия ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг кафолатидир.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 194-б.

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ГЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ

...Қачонки «Ислом дунёси», «Ислом цивилизацияси», «Ислом кадриятлари» ҳақида сўз борар экан, мен мазкур кадриятларни қандайдир сиёсий мақсадга хизмат қилувчи кадриятлар деб эмас, балки умуминсоний цивилизациянинг бойлиги, дея тушунаман. Шунини ҳам айтиш керакки, Франция, Германия, Буюк Британия ҳуқуқшунослари, ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари томонидан жуда жиддий таҳлил қилинган. Ўзбекистон Конституциясида давлат билан дин аниқ-равшан ажратиб қўйилган.

Дарҳақиқат, аҳолимизнинг тахминан 80 фоизи мусулмонлардир. Биз аввал бошданок қандай оқимлар юзага келиши мумкинлигини тушуниб етдик ва ўшандаёқ аниқ, динни давлатдан ажратувчи, сиёсатни, давлат ҳаётининг йўналишини диний ғоялар эмас, халқ маъқуллаган Конституция белгилаб берувчи йўлдан собит боришимизни айтган эдик. Бу ўз-ўзидан демократик давлатнинг белгисини ташкил этади. Ислом давлатларида эса Конституция йўқ. Ислом давлатида энг асосийси – шариад талабидир. Қуръон-

Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жихатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди.

Халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи *сайлов тизими шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди*. Жумладан, дунёдаги энг ривожланган демократик давлатларда ҳам бизнинг «Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунимизнинг ўхшаши деярли йўқ.

Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. Т.: Ўзбекистон, 1997. – 107-б.

1997 ЙИЛ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛСИН

Ривожланган давлатлардаги биз учун ибратли яна бир нарса давлат ва жамиятнинг инсонга ҳуқуқий кафолатлар беришидир. Конституцияда мустаҳкамланган бу кафолатлар барча учун баробардир. Бу қондаларнинг амалга ошиши учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшади. Уларда

нинг асосий талабларини акс эттирувчи шариатни, афсуски, ҳар бир мамлакат ўзич шарҳлайди. Мазкур шарҳдан келиб чики ҳар бир давлат маълум бир киёфага эг бўлади.

Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлида
Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 208
209-б.

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг таъминларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор.

гоҳо юз беражак англашилмовчиликлар ҳам аслини олганда тўқчиликдандир...

Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 256-б.

Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Конституциянинг асосий моҳияти яна шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олди-га мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддарок қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди...

...Конституциянинг ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги қиммати... (шундаки.– *Ред.*) у жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамано халқдан

ўзини ажратишга уринади. Аслида мансаб халқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сикидилдан хизмат қилиш учун берилади. Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оклаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир.

Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 257–258-б.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАҚОЗОСИ

...Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим... зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир...

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 29–30-б.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА: ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тоғувликни сақлаб қолишга Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги билан боғлиқ ҳамма муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик базаси ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ўзбекистон халқиши миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», – деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига «ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий маъқен, ирқий ва миллий мансублиги, жинси маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотивнинг тури ва хусусиятидан қатъи назар» тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳамма қилиши давлат концепцияси Ўзбекистон Конститу

циясида яққол кўзга ташланади. Унда айтилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратгани».

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 86-б.

Истиқлол йиллари янги мустақил Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки, давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига зўрлик билан қўшиб олиншимиз натижасида узилиб қолган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суверен Ўзбекистон янги давлатчилигини куриш ва ривожлантиришга киришди. Бошқача қилиб айтганда, фақат истиқлолгина халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий қадриятларни тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди.

Мустақилликка эришилгач, халқимиз олдида кескин муаммолар кўндаланг бўлди. Уларни ҳал қилмасдан туриб, демократия ва ҳокимиятнинг тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон демократия қадриятларини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади.

Эълон қилинган мақсадларга аввалин, мафкуравий тоталитар тузумни тубдан бузиб ташламасдан, ўтмиш одатларидан воз кечмасдан эришиб бўлмасди.

Шу боис қуйидагилар энг асосий вазифамиз бўлиб қолди:

Биринчидан. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш.

Иккинчидан. Янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш. Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳоки-

мияти органларининг янги тизимини мустақкамлаб қўйиш...

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Ўзининг Асосий Қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустақкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайдди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди. Уларнинг ҳар бири фаолиятида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг хуружларини истисно этадиган чинакам де-

мократик меъёрлар ва йўл-йўриқлар қарор топтирилди...

Конституцияга мувофиқ, янги демократик сайлов тизими асосида Ўзбекистон тарихида илк бор Республика парламенти – Олий Мажлис ҳамда вакиллик ҳокимиятининг маҳаллий органларига кўппартиялилик асосида эркин, муқобил сайлов ўтказилди. Натижада давлат ҳокимиятининг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги иборат қонун чиқарувчи тармоғи вужудга келтирилди. У самарали ишлаб турибди.

Ҳуқуқий ислохотлар борасидаги улкан ва аниқ мақсадга қаратилган куч-ғайратлар натижасида, Асосий Қонуннинг қондалари негизида республика суд тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди...

Конституциянинг қабул қилиниши, ўтган йиллар мобайнидаги жўшқин қонунчилик фаолияти ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг барча функциялар қонуни асосида тегишлилиги, қонуннинг устуворлигини кафолатлай-

диган мустаҳкам негизларини яратиш имконини берди.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 136–140-б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Асосий Қонун демократик жамиятнинг қарор топишига кўшган жуда катта ҳисса шундан иборатки, у маъхум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркишликларига қаратилгандир. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида аҳолида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона ҳуқуқий ҳал этишни сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларини мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганини мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жа-

мияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 151-б.

Очиқ демократик давлатни куриш, бозор муносабатларини вужудга келтириш халқаро эътироф этилган конституциявий ҳамда ҳуқуқий асосда амалга оширилмоқда. Бу асос иқтисодиётни ислоҳ қилиш, унинг кенг кўламда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун кучли ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитларни таъминлаб беради.

Республикада қабул қилинган биринчи Конституция ва бир қатор асосий қонунлар ҳаётимизнинг ҳамма томонларини демократиялашнинг, жамиятимизни янгидаш ҳамда Ўзбекистонни ўзининг ишончли ва истикболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўшмаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари ортга қайтмаслигининг қудратли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз ўзимиз учун қатъий хулоса чиқариб олдик: демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг ҳуқуқий

асосларини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлгандagina эски, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш, ривожланган юқори самарали бозор иктисодиётига эга янги жамиятни қуриш мумкин бўлади.

Қонуннинг устунлиги бизнинг ислохотлар моделimizдаги етакчи тамойилдир. У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буюк бобомиз Амир Темур «Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади» деган доно сўзларни олгин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга амр берган эди.

Ўтган даврдаги қонунчилик фаолиятини таҳлил қилиб ва умумлаштириб, мамлакатда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг қуйидаги асосий туркумларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, давлатчилигимизни мустаҳкамлашга ва давлат тузилмаларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари. Улар миллий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлашга, мудоффа қобилиятимизни ва хавфсизлигимизни мустаҳкамлашга, ҳокимият органлари ва бошқарув тизи-

мини шакллантиришга қаратилган қатор қонунлар тизимини ўз ичига олади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятида ҳокимиятларни тақсимлаш тамойилларига амал қилиб, ислоҳотларни амалга оширишда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини вужудга келтиришда асосий бўғин ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини амалга ошираётган экан, халққа, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминламоқда.

Иккинчидан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этаётган қонунлар. Шунингдек, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни, мулкдорлар синфини шакллантиришни, мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли ривожланиши, тадбиркорлик тараққий топиши, молия, солиқ ва банк сиёсати такомиллашуви ва бошқаларни таъминлайдиган қонунлар.

Учинчидан, жамият сиёсий тизимини эркинлаштириш ва демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил эта-

диган қонун ҳужжатлари. Улар фуқароларнинг жамиятни бошқаришдаги иштироки кенгайтирилиши, матбуот эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари ишини такомиллаштирилиши ҳуқуқий таъминланишини вужудга келтиради.

Тўртинчидан. Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солидиган, фаол ва кенг ҳўламли халқаро ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратиб берадиган қонунлар.

Қонун ҳужжатларининг биронтаси ҳам қабул қилинган бошқа қонун туркумларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қила олмаслигини яхши биламиз. Улар ўзаро таъсирда, бир-бирини тўлдирган ва бойитган ҳолда жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ қилиш учун ётарли даражада мустаҳкам замин яратади. Масалан, бозор ислоҳотлари кафолатларини ва ортга қайтмаслигини таъминлайдиган қонун асослари ҳақида гапирар эканмиз, иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонун туркумлари билангина чекланиб қола олмаймиз.

Бозор муносабатларини қарор топтириш учун ҳукукий пойдеворни давлат ва жамият ҳаётининг ҳамма томонларига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларининг бутун мажмуи, энг аввало, мамлакат Конституцияси яратиб беради.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республикада қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий қоидаларидан бири эканлигини эътиборда тутиш зарур. Бу ҳол фақат қонунларимиз доимо умум қабул қилган халқаро нормалар ва қоидаларга мувофиқлаштириб келинаётганлиги ва яқинлаштирилаётганлиги билангина эмас, балки мамлакатимиз халқаро нормаларнинг бажарилишнинг кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олаётганлиги билан ҳам рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий иқтисодий муносабатларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, фуқароларнинг иқтисодий эркинликлари, тадбиркорлик эркинлиги, маъмурий-буйруқбозлик усулида бошқаришдан воз кечишнинг мустақам конституциявий асослари белгилаб қўйилди.

Конституцияда жамиятимизнинг асоси — кўп укладли бозор иктисодиёти ва фукароларнинг хусусий мулки қонун ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб кўйилган.

Сўнги 75 йил мобайнида биринчи марта хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эkanлиги қонунан мустаҳкамлаб кўйилди. Асосий Қонун хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашishi борасидаги монопол ҳуқуқ олдига кўйилган қудратли тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. У иктисодий фаолият эркинлигини таъминлайди, хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин ва ҳалол рақобат учун шароит яратиб беради, бозор муносабатларига кенг йўл очади. Фукарога мол-мулкка хусусий эгаллик қилишдан иборат конституциявий ҳуқуқнинг берилиши одамда ўз қадрига етиш, ўзгалар иродасига боғлиқ бўлмаслик ҳисси, жамиятимизни янгилаш ва ривожлантиришда унинг фаол, ташаббускор ва бунёдкор роли мустаҳкамланишига ёрдам беради. Конституцияда бундай дейилади: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иктисодиётининг не-

гизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Иқтисодий ривожланишнинг, қўйилган инвестицияларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати қонунчилик асосимизнинг барқарорлиги.

Қисқа вақт мобайнида бир нечта Конституциялар қабул қилиб улғурган советлардан кейинги қатор мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда қонунчилик асосининг барқарорлиги принципига қатъий амал қилинмоқда. Қонунчилик фаолиятининг бутун тизими янги қонунларни тайёрлашга ҳамда амалдаги қонунларни, ислоҳотлар йўлидан жўшқин илгарилаб борилаётганини ва ўзгариб турган шароитни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштиришга қаратилган...

Ташқи сиёсатга доир принципларимизни белгилаб берувчи конституциявий қоидаларга асосланган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асо-

сий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, бир қанча бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини берди.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 227–231-б.

ЎЗБЕКИСТОН СУЗИБ ЮРАДИГАН МУЗТОҒ ЭМАС

Биз ислом андозасига мос келмаймиз. Ислом оламида асосий нарса – шариятдир. Асосийси – Қуръонда ёзилган қонунлар мажмуидир. Биз – дунёвий давлатмиз. Бизнинг Конституциямиз Франция, Германия, Буюк Британиянинг энг яхши демократик ташкилотларидан синовдан ўтган. Кўпчилик Ўзбекистонда аҳолининг 80 фоизидан кўпроғи исломга эътиқод қилади, шунинг учун бу ерда ислом қонунлари ва анъаналари ус-

тун бўлиши керак, деб ўйлашга ўрганиб қолгани боис ҳам мен эътиборингизни бунга атайлаб қаратаман. Йўқ. Биз давлат ҳаётида Конституцияга қатъий риоя қиламиз. Демак, биз ислом давлати меъёрларига мос келмаймиз.

Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 383-б.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ

Бугун ҳаётимиз Қомуси – давлатимиз Конституциясини таърифлаш, унинг ютуқлари, жамиятимиз ва бевосита ҳар биримизнинг ҳаётимизда туган ўрин ҳақида сўзлаш айни муддаодир.

Дарҳақиқат, бизнинг илғор ва бетакрор Конституциямиз билан, унинг ўз миллий анъаналаримизга, миллий табиатимизга ва бугунги жаҳон эришган ютуқларга, андозаларга муносиблиги билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Лекин, менинг фикримча, биз ана шундай олижаноб Конституциямиз нима учун бугунги ҳаётимизда тўлиқ ифодасини топма-

ани, нима учун ана шундай буюк ҳужжатни ималга киритишда баъзида ожиз қолаётганимизни ҳам кўрсатишимиз ва тан олишимиз жоиз бўлур эди...

...Конституциямизнинг кўп олижаноб томонлари бор. Аммо уни ҳаётга татбиқ этишда, ҳозир кўриб турганимиздек, камчиликларимиз кўп.

Бу камчиликларни биров четдан туриб ўзига кўрсатиши шарт эмас. Уларни биз ўзимиз чуқур англаб, ўзимиз, негизига, гомирига етиб бориб, ўзимиз ҳеч кимдан кўрқмасдан очик тан олиб, очик гапирсак, мен ўйлайманки, бу бизнинг бағрикенглигимизнинг ва ўз кучимизга ишонганимизнинг яна бир ифодаси, намоёниши бўлади.

Бугунги ҳаётимизда нима камчиликлар, қандай ечилмаган муаммолар бор? Яъни авваламбор Конституция меъёрлари билан қиёслаганда, қайси масалалар бўйича Конституция талаблари ва кўрсатмалари даражасига биз ҳали етиб борганимиз йўқ?

Буларни ҳам очик айтишимиз керак. Агар биз амалда шу тадбирларни юрагимиздан ўтказмасак, ҳаётимизда татбиқ этмасак, Конституция қоғозда қолиб кетаверади.

Ўзаро суҳбатларда, торроқ давраларда ошкоралик тўғрисида гапирамиз, матбуот эркинлиги тўғрисида, умуман, жойлардаги тўрачилик, жойлардаги одамларнинг аҳволига бепарволик, порахўрлик, ҳар хил эски замондан қолган сарқитлар ҳақида гапирамиз.

Менинг фикрим, талабим шуки, бу ҳақда катта йиғинларда, мана шундай залларда ҳам, Конституциямизнинг беш йиллигини нишонлаётганда ҳам очиқ ва дадил гапиришимиз зарур. Конституциямиз белгилаб берган демократик адолатли жамият қурмоқчи эканмиз, Конституциямиз моҳияти ва меъёрларига зид бўлган барча иллатлардан халос бўлишимиз керак...

Конституциямизни таърифлаганда нималарга эътибор беришимиз керак? Конституциямизни нима учун биз Асосий Қонунимиз – ҳаётимиз Қомуси деб биламиз?

Нима учун Конституциямиз биз учун давлатимиз учун, жамиятимиз учун, ҳар қайси инсон учун бизнинг байроғимиз, бизнинг гербимиз, бизнинг мадҳиямиз қаби қадрли?

Конституциямизга риоя қилиш ва амал қилиш, нима учун муқаддас бурчимиз бўлиши шарт эканини биз албатта жуда аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Авваламбор, бунинг сабаби шуки, халқимиз асрлар, минг-минг йиллар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни ҳавас қилган, орзу қилган. Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Иккинчидан, давлатимизни ҳам, жамиятимизни ҳам, ҳар қандай фуқаронинг ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини — ҳаммасини белгилаб берган. Нафақат белгилаб берган, балки уларни — ҳуқуқлар ва бурчларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб, бир-бирига мувофиқлаштириб берган.

Яна бир улуг томони шундан иборатки, Конституциямиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида муҳрлаб берган ва виждон эркинлиги ва диний эркинлигимизни таъминлаб берган.

Конституциямизнинг биз учун муқаддаслиги яна шундан иборатки, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлмиш тинчлик, осо-

йишгалик, тотув ҳаётнинг асосларини белгилаб берган.

Конституциямизнинг энг муҳим жойи шундан иборатки, у биз ҳаммамиз орзу қилган жамиятга эришиш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизлар қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуг дорилфунун вазифасини ўтайди.

Уйлайманки, биз Конституциямизни ана шундай нуқтаи назардан ҳам таърифлашимиз, улуғлашимиз, уни муқаддас, деб билишимиз даркор.

Бугунги дунёда таракқий топган давлатларни олсак, мана шундай қарашлар ҳаммамизнинг қонига, суягига, керак бўлса, иймон-этиқодига кириб қолган. Агар биз ҳам улар эришган юқори даражага кўтарилмоқчи бўлсак, авваламбор Конституция талаблари ва меъёрлари онгимизга сингиши керак.

Бунга эришиш учун нималар қилишимиз лозим? Авваламбор, ўз устимизда ишлашимиз керак, иймон-этиқодимизни мустаҳкам қилишимиз зарур. Жамиятимизда одамийлик хусусиятларини барқарор этишимиз керак. Нима учун курашаётганимизни чуқур англаб олишимиз даркор...

Ўзбекистон Конституциясида «Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзилган.

Шу Конституцияни ёзишда ўзим ҳам ишгирок эгганман, унга ўзимнинг билимимни, керак бўлса, бутун борлигимни берганман. Бу сир эмас.

Мен ҳозир айтардимки, «...ҳуқуқига эга» дегани сал юмшоқроқ айтилган. Унинг ўрнига, оила жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида, ҳимоясида бўлиши шарт, деб ёзардим. Нега деганда, бугунги замон шуни тақозо этапти, бизнинг кўзимизни очиб, ҳаётга бошқача карашни талаб қиляпти.

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-

юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 396–400-б.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Давлатимиз, Ўзбекистонда яшайтган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари Конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 52-б.

Биз бугун нима учун мана шу Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқянимиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан

бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўн қонунларни ишлаб чикдик. Энди ҳаётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чиқяпмиз.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –55–56-б.

ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ – ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг ҳуқуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш ҳуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги

тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Қисқаси кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 158–159-б.

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАҲШ МАНБАИ

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳами-

яти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан:

– унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

– Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг ҳукронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта.

Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсак ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Масалани кенгроқ қўяйлик. Келажаги буюк давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий

тушунчалар асосида фикр юритишни ўрғанишимиз даркор.

Табийки, фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион ҳуқуқларини, унга шу ҳуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Қисқаси кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади.

Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 158–159-б.

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАҲШ МАНБАИ

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳами-

яти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан:

– унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

– Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг ҳукмронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта.

Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсак ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Масалани кенгроқ кўяйлик. Келажаги буюк давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий

топган давлат ва халқларнинг ҳаёти даражасига кўтариш каби эзгу ниятларимиз аниқ ва равшан бўлса, кўпчилик халқимиз ва жамоатчилигимиз шу мақсадларга эришиш учун астойдил бел боғлаган бўлса, табиий бир савол туғилади:

Нима учун, нега шу мақсад – келажагимизга етиб бориш йўлини кўрсатиб берадиган, кўпгина махсус ва атрофлича синовлардан ўтган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимизни ҳаётга татбиқ этиш ўта қийинчилик билан бормокда? Бунга нима сабаб?

Ўйлайманки, бундай изтиробли саволлар мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси виждонли одамни қийнаб тургандир...

Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳуқуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи?

Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилса-ю, коммунистлар ўз уставига амал қилса, бундай тузумда қонун устуворлиги ва адолат ҳукмронлиги бўлиши мумкинмиди?

Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш муҳитида тарбия топганмиз, суюгимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини тан олиши ҳам, қонун олдида барчанинг тенг ва баробар эканига кўникиши ҳам ниҳоятда қийин кечмоқда. Биз эски тузум асорати деганда айни шу ҳолатни назарда тугамиз.

Бу муаммонинг... яна бир қирраси борки, у ҳақда гапирмасдан бўлмайди. Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб – инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдиғи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.

Лўнда қилиб айтганда, амалиётда биз кўпроқ эски қайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барча-

мизниг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда...

Одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очигини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз...

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат – бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим.

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун барта-

лашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун – каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, – барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!..

Инсон ва жамият, шахс ва оиланин ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдевориши ташкил этади.

Қаримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 248–252-б.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гапирганда, Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган – ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратиш тамойили амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир...

Мамлакат парламенти – Олий Мажлис Конституцияга мувофиқ бизда Президент таклифи бўйича бошқа мамлакатлардаги каби фақат Бош вазирнигина эмас, балки

хукуматнинг бутун таркибини номма-ном сайлайди. Лекин хукумат аъзолари парламент томонидан уларнинг фаолияти мунтазам назорат қилинаётганини ҳис этиптими ёки йўқми?

Афсуски, жойларда ҳам худди шундай аҳвол мавжуд. Маҳаллий Кенгашлар – ваколатли органлар томонидан сайланган биринчи шахслар – ҳокимлар ҳамда ҳокимликлар таркиби депутатлар, халқ ва жамоатчилик олдида ўзлари мунтазам ҳисобот беришлари лозимлигини қанчалик сезишяпти? Бу борада ҳал этиш зарур бўлган жуда катта муаммо мавжуд.

Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини кўйганмиз.

Фуқаролик жамиятини куриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич тошширишни кўзда тутаяди.

Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яқинлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқтарғибот ва мудоффа қобилиятини таъмин-

лаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳамоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қилиши керак.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Қолган барча вазифалар ва айниқса, биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. Айни шу йўл билан биз фуқаролик жамиятининг мустақкам асосларини барпо этишимиз мумкин.

Қонун нуқтаи назаридан қараганда маҳаллий органлар, янги қонунлар қабул қилинганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ваколатларга эга бўлади. Энди энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмни яратишдир.

Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 386–389-б.

ВАТАН ОЗОДЛИГИ – ОЛИЙ САОДАТ

Албатта, бизда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан, демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз борки, уларда сайлов масалаларига доир умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукамал тартиблар ва талаблар ўз ифодасини топган.

Шундай экан, бизнинг энг муҳим вазифамиз – қабул қилинган қонуналаримизга, эътироф этилган талабларга, демократик андозаларга қатъий риоя этишни таъминлашдир.

Шу ўринда демократия принциплари, тараққий топган давлатларнинг қўллашга арзийдиган тажрибаси бизга ёрдамга келиши керак.

Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – инновард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 62-б.

СОҒЛОМ АВЛОД – ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ҳақиқатан ҳам 8 декабрь – Конституция кунини юртимизда нишонлаш биз учун катта анъана ва одатга айланмоқда. Бунинг биз катта мамнуният билан таъкидлашимиз керак.

Бунинг сабаби нима? Нима учун йилдан-йилга кундалик ҳаётимизда Конституция-мизга муносабатимиз ўзгармоқда, унга ҳурматимиз ошиб бормоқда?

Бу саволларга жавоб топиш қийин эмас, деб ўйлайман?

Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормокдамиз – бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз буюк Ҳаёт қомусимиз турибди.

Шу билан бирга, яна бир тушунча ҳаётимизга кириб бормокда. Биз жамиятимизда чиндан ҳам адолат ва ҳақиқат ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эканмиз, юртимизда эски тузумдан қолган ноинсофлик, порахўрлик, тамагирлик, коррупция, зўравонлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби барча ярамас унсур ва иллатлардан халос бўлмоқчи эканмиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизга итоат этиш, қонун устуворлигини амалда ҳаётимизда таъминлаш зарурлигини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз...

Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимизни ҳаётимизга татбиқ этиш, амалга ошириш ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Конституциямизнинг халқаро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан мутлақо фарқ қилиши ҳақида сўз борар экан, биз аввало унда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга

қаратилган барча қафолатлар алоҳида ўрин тутганини, асосий Қомусимиз инсон манфаатини давлат манфаатидан устун туришини муҳрлаб қўйгани ҳақида гапиришимиз керак.

Лўнда килиб айтганда, эски замондан қолган, онгимизга, шууримизга ўрнашган асоратлардан воз кечиб, бир тушулчани аниқ англаб олишимиз даркор. Яъни, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, яшганиши йўлида олиб бораётган ислохотларимизнинг пировард мақсади – аввало инсон манфаатига, инсонга ва халққа хизмат қилишдир.

Шундай экан, Конституциямиз ва тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва қафолатлар, халқимизнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масала ва муаммоларнинг қандай ҳал эгилаётганини таҳлил қилиш, унинг натижаларини кенг жамоатчиликка, бутун халқимизга етказиш ҳам ҳақиқий демократия ва адолат ҳукмронлигининг тасдиғи, деб айтса бўлади.

Бугун биз Конституциямизнинг 7 йиллигини нишонлаяпмиз. Етти йил ҳазилакам вақт эмас. Демокриманки, кишиларимизнинг дунёқараши ўзгариб бориши нуқтан назаридан мазкур давр бесамар ўтмади. Энди Кон-

ституциямиз халқаро андозалар, демократик тамойиллар талабларига тўлиқ жавоб беради, дейиш билан иш битмайди. Одамларни бугун мутлақо бошқа нарсалар кизиқтиради: Демократик Конституция экан, у бизга амалда нима берди? Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунлар оғиримизни енгил қиляптими? Бу қонунлардан шахсан менга, оиламга, меҳнат жамоамга, яшаб турган қишлоғим, шаҳрим, мамлакатимга қандай наф етмоқда?

Ўйлайманки, агар биз Конституциявий суд бошчилигида мамлакатимизнинг энг нуфузли назорат қилувчи органлари, яъни Олий Мажлис, вилоят ва туман кенгашлари, суд ва прокуратура идоралари, шу билан бирга, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлар вакилларида иборат бир гуруҳ тузиб, унга йил давомида кузатиб келинган масалалар бўйича танқидий, холисона бир доклад – маъруза тайёрлаш ва уни жамоатчилик эътиборига тақдим этиш вазифасини топширсак, мақсада мувофиқ бўлур эди.

Конституциянинг барча мода ва талабларининг бажарилиши ҳақида бирданига ҳисобот тайёрлаб бўлмас, лекин ҳар йили му-

айян бир соҳани алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилиш мумкин-ку!

Масалан, бир йили инсон ҳуқуқлари, яна бир йили ижтимоий масалалар, келаси йили эса аҳолининг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш, шу тариқа кенг маънода ташқи ва ички сиёсатнинг олиб борилиши масалаларининг ҳал этилиши бўйича ҳисоботимизни тайёрлаб жамоатчилигимиз муҳокамасига қўйсақ, бугунги замон талабига жавоб берадиган иш бўлур эди...

Энди рухсатингиз билан Конституция-мизни амалга оширишга бевосита алоқадор, икки кун аввал бўлиб ўтган Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар ҳақида икки оғиз айтиб ўтсам.

Куни кеча сайловчиларимиз ўз Конституцион ҳуқуқларини адо этиб, сиёсий етуклигини намойиш қилиб, халқ ноибларига, яъни ҳалол ва виждонан хизмат қиладиган, унинг хоҳиш-иродасини бажарадиган депутатларга овоз берди.

Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – широкларга мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 87–90-б.

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ХАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат.

Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 333-б.

...Ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституцион принципига амал қилинишини таъминлаш. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органлари бўлган вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришмоқ зарур. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва фақат қонунга бўйсунлигини таъминлаш даркор...

Бу ерда гап мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қан-

дай мансабдорлар, ҳатто, энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-истагига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жамиятимизнинг олга силжишига халақит бераётган барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурбн етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда.

Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 334-336-б.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Ҳақиқатан ҳам, Конституциямизнинг ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга аҳамияти ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Мустақил тараққиёт ва истиқлол йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қанча кўп тажрибага эга бўлаётган

эканмиз, илгари учрамаган оғир, ўта мураккаб синов ва ҳаёт тўфонларини енгиб, пешона теримизни тўкиб, янги марраларни қўлга киритиб эзгу орзу-ниятларимиз сари қадам қўяётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз – бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ – барчамиз учун муқаддас ва азиз бўлмиш Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, мана шу фурсатдан фойдаланиб, эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман.

Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз

қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди.

Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез муурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи ҷеб қарайди.

Минг афсуски – бу сир эмас – кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чаксак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин.

Бу фикрнинг тасдиғи тариқасида бир мисол келтирмоқчиман.

Шўро давридаги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон манфаатларидан давлат манфаатларининг устуңлиғи қонулаштириб қўйилган эди.

Бугунги Асосий Қонунимизда эса давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Ва биз ўз ички ва ташқи сиёсатимизни, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларни ана шу тамойил негизида олиб боришни ўзимизнинг энг муҳим мақсадимиз қилиб қўйганмиз.

Агарки мана шу устувор тамойил ҳаётимизда, авваламбор, давлат ходимлари, мансаб курсисида ўтирганларнинг ҳаёлида, онгида, амалий кундалиқ фаолиятида ўз аксини тоғанида эди, шу принцип, шу тамойил уларнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетганида эди, яъни ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Эски Конституцияга биноан ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Фуқароларнинг хусусий мулкка эга бўлиши, бойлик орттириши қатъиян ман қилинган эди. Бунинг оқибати нималарга, қандай натижаларга олиб келгани барчамизга маълум.

Шу даврни бугун эслайдиган бўлсак, ҳар қайсимиз кечирган не-не қийинчиликлар,

аввало, одамларнинг, инсонларнинг қадр-қиммати таҳқирлангани ва хўрлангани кўз ўнгимизда келади.

Демократик Ўзбекистон Конституциясида эса «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» экани, Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланиши, унинг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуққа эга эканига қафолат берилди. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди ва мулкдорлар тибқиқасини вужудга келтириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бу қонда Асосий Қонунимизнинг дунёвий тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олишини кўрсатибгина қолмай, унинг узокни кўзлаб, муқаммал яратилганини ҳам исботлайди...

Асосий Қонунимизнинг ҳаётий муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида яна бир мисол келтирмоқчиман.

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида: «Конституцион тузумни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлиги, фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таъжовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади», деб қатъий кўрсатилган...

Бизнинг ҳаётимизга ҳар томонлама таҳдид соладиган бундай хавф-хатарларнинг олдини олишга, шу каби нохуш ҳолатларнинг ҳаётимизга киришига йўл қўймасликка қаратилган ушбу конституцион нормаларни ўз вақтида қабул қилмаганимизда бугунги кунимизда қандай бало-қазоларга дучор бўлишимизни ҳар қайси ақли расо одам англаб етади, деб ўйлайман.

...Эски мустабид тузумдан озод ва эркин ҳаёт сари ўтиш даврини бошимиздан кечирар эканмиз, шу ўта оғир ва мураккаб йўлда дуч келадиган тўсиқ ва синовларни енгиб ўтишда, барча муаммоларимизнинг қонуний ечимини топишда Конституциямиз

кундалик ҳаётимизда асосий ва мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда...

...Олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг ғайбирчан қуролга айланадиган куч – бу ҳаққимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини гарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин.

Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у ҳаққимизнинг истиқлол йилларида эришган ул-

кан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустақкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин.

Мен Конституцияга нисбатан «ҳимоя» сўзини бекорга ишлатмадим. Конституция-миз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга, муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсон ўз навбатида Конституциянинг ва у белгилаб берган конституцион тузумнинг ҳимояси учун доимо тайёр туриши, керак бўлса, шу йил ёзда Сурхондарё ва Тошкент вилояти тоғларида қаҳрамонлик кўрсатиб шаҳид кетган мард ўғлонларимиз каби, ўз жонини фидо этишга ҳам қодир бўлиши даркор.

Халқ сўзи. 2000. 8 декабрь.

МУНДАРИЖА

ПРЕЗИДЕНТ - КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТАШАББУСКОРИ, ЯРАТУВЧИСИ ВА КАФИЛИ.....	3
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕ- КИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ УРГА- НИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТУРРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШИ.....	26
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ.....	30
ЎЗБЕКИСТОН - КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ.....	32
«ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОН- ЧИМ КОМИЛ!».....	42
БУЮК МАКСАД ЙЎЛИДАН ОРИШМАЙЛИК.....	43
ЎЗБЕКИСТОН - БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ.....	45
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	47
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪ- РУЗА.....	48
БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ХУКУҚИЙ КАФОЛАТИ.....	49
ХАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ.....	73
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТ: МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧ.....	73
ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ КИЛ- СИН.....	75
АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ТАНТАНАСИ.....	76
ТАДБИРКОРЛИК - ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ.....	77
ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВР РУҲИГА МОС БЎЛСИН.....	78
ХАЛҚ ИШОНЧИ - ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ.....	79
ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	79
ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ - ЖАҲОН ХАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИ- ЛИШ ЙЎЛИДИР.....	89
ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР.....	90
ИСЛОХОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	91

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙУЛИДА.....	93
ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙУЛИДА.....	95
АСОСИЙ КОМУСИМИЗ ТАНТАНАСИ.....	96
БУНЁДКОРЛИК – ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ.....	98
ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ.....	104
ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ Тўғрилигига Ишончимиз КОМИЛ.....	105
ҲОЗИРГИ БОСКИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУХИМ ВАЗИФАЛАРИ.....	106
1997 ЙИЛ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛДИ.....	107
ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТАКОЗОСИ.....	108
ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАРАСИДА: ХАВОСИЗЛИККА ТАҲДИД, БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ.....	116
ЎЗБЕКИСТОН СУЗИБ ЮРАДИГАН МУЗТОФ ЭМАС.....	120
ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ – МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ.....	124
БИРИНЧИ ЧАКИРИК ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.....	131
ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ – ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ.....	131
ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАҲШ МАНБАИ.....	132
ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА.....	133
ВАТАН ОЗОДЛИГИ – ОЛИЙ САОДАТ.....	134
СОҒЛОМ АВЛОД – ХАЛҚИМИЗ КЕЛАЖАҒИ.....	135
ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ.....	135
ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАРИШЛАНГАН ТАЙТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.....	137

**ИСЛОМ КАРИМОВ
КОНСТИТУЦИЯ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ
ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ**

Тузувчилар:
юридик фанлар докторлари, профессорлар
Акмал Саидов, Убайдулла Таджиханов

Ислом Каримов Конституция тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганувчиларга ёрдам) / Тузувчилар: юридик фанлар докторлари, профессорлар А. Саидов, У. Таджиханов. – Т.: «Академия» ноширлик маркази, 2001. – 156 б.

Нашр учун масъулар
Сардор Раizzoқов, Норсафар Иломов
Бадий муҳаррир *Дилшод Жалилов*

Чоп этилиши 2001.17.02да руҳсат этилди. Нашриёт табоғи 5,0.
Тиражи 1000 Буюртма № 28 Баҳоси шартнома асосида

«Академия» ноширлик маркази,
700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
дастурий-индирифик таъминот бўлимида чоп этилган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Саққизинчи сессиясида “Ўзбекистон
Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги
1991 йил 18 ноябрь қонуни билан тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ



**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Саккизинчи сессиясида “Ўзбекистон
Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги
1992 йил 2 июль қонуни билан тасдиқланган**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Мутал Бурҳонов
музыкаси

Абдулла Орипов
сўзи

СЕРКУЁШ, ХУР УЛКАМ, ЭЛГА БАХТ, НАЖОТ,
СЕН ЎЗИНГ ДЎСТЛАРГА ЙЎЛДОШ, МЕҲРИБОН.
ЯШНАГАЙ ТО АБАД ИЛМУ ФАН, ИЖОД,
ШУҲРАТИНГ ПОРЛАСИН ТОКИ БОР ЖАҲОН.

Нақорот:

ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР-ЖОН ЎЗБЕКИСТОН,
АЖДОДЛАР МАРДОНА РУҲИ СЕНГА ЁР!
УЛУФ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРҒАН ЗАМОН,
ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР!

БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕКНИНГ ЎЧМАС ИЙМОНИ!
ЭРКИН, ЁШ АВЛОДЛАР СЕНГА ЗЎР ҚАНОТ!
ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛИ, ТИНЧЛИК ПОСБОНИ,
ҲАҚСЕВАР, ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Нақорот:

ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР-ЖОН ЎЗБЕКИСТОН,
АЖДОДЛАР МАРДОНА РУҲИ СЕНГА ЁР!
УЛУФ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРҒАН ЗАМОН,
ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР!

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ўн биринчи сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг
Давлат мадҳияси тўғрисида"ги 1992 йил 10 декабрь
қонуни билан тасдиқланган